

Бизга бу кунни берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин



16:57 / 27.01.2023 1600

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан мавқуф ҳолда ривоят қилинади: У зот қуёш чиқишини кузатишга бир кишини тайинлар эдилар. Ана шу киши қуёш чиққанининг хабарини берса:

أَنْتَ أَرْثَعُ نَمْرَهِيفَ أَنْ لَأَقْوَمَ وَيْلُ أَدَّ أَنْ لَبَّو يَدُّ لِهَلْ لُدْمَحْلُ

«Алҳамду лиллаҳиллазий ваҳаба ланаа ҳазал йавма ва ақолана фийҳи мин асаротина», деб айтардилар.

Маъноси: Бизга бу кунни берган ва хатоларимизни афв этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Ибн Сунний ривоятлари.